

Ishonch

2019 йил 26 октябрь • шанба • № 131 (4260)

Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси нашри • Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган • www.ishonch.uz • e-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

БАНКЛАРНИНГ ИНВЕСТИЦИВ ИЙ ФАОЛЛИГИНИ ОШИРИШ БЎЙИЧА ВАЗИФАЛАР БЕЛГИЛАНДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 25 октябрь куни банк тизимини ислоҳ қилиш ва банкларнинг инвестицивий фаолигини ошириш борасидаги устувор вазифаларга бағишланган йиғилиш ўтказди.

Тадбиркорликни ривожлантириш ва ишлаб чиқаришни молиявий қўллаб-қувватлашда банклар муҳим ўрин тутди. Шу боис ушбу молиявий институтларнинг барқарорлиги ва ҳаётдаги ролини оширишга катта эътибор қаратилмоқда.

Кейинги йилларда давлат бюджетидан тижорат банкларига дастурларни молиялаштириш учун 8,4 триллион сўм, айланма маблағлар учун 400 миллион доллар, устав капиталини ошириш учун 1,7 миллиард доллар маблағ ажратилди. Умуман олганда, сўнгги икки йил ичида банклар капитализациясини ошириш учун 3,3 миллиард доллар давлат маблағи берилди.

Йиғилишда бу маблағлардан самарали фойдаланилаётгани, истиқболли лойиҳаларни амалга ошириш ҳамда янги иш ўринлари яратишга қўмаклашиш, миқозлар ва банк даромадларини кўпайтириш борасидаги ишлар етарли эмаслиги танқид қилинди.

Мисол учун, хусусий банклар кредит ресурсининг ярмидан кўпини депозитлар ҳисобига шакллантираётган бўлса, давлат банкларида бу кўрсаткич атиги 10 фоиз атрофида. Шунингдек, давлат банклари кредит портфелининг ярмидан кўпи 5 та

йирик давлат корхонаси ҳисобига тўғри келади. Ҳанузгача эскирган дастурий таъминотлардан фойдаланаётгани учун банк хизматлари сифати талаб даражасида эмас.

Тизимда соғлом рақобат муҳитини шакллантириш мақсадида банклар фаолиятида давлат иштироки босқичма-босқич қисқартирилмоқда. Хусусан, давлат дастурлари доирасидаги кредитлар фоизи қайта молиялаш ставкаси билан тенглаштирилди ва 2021 йилдан тўлиқ эркинлаштирилиши белгиланди. Бу банкларни кўпроқ миқоз топиш, ресурсларни мақсадли раёқлаштириш бўйича изланишга, ривожланишга ундайди.

Куни кеча Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Оилавий тадбиркорликни ривожлантириш давлат дастурлари доирасида амалга оширилаётган лойиҳаларни кредитлаш тартибини такомиллаштиришнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори қабул қилинди. Унга мувофиқ, банклар трансформациясини тезлаштириш ва сифатли амалга ошириш мақсадида барча давлат банкларидаги акциядорлик вазифаси Молия вазирлигига юклатилди.

2>

Хушxabар

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг 2019 йил 24 октябрдаги мажлисида парламент аъзолари қизғин муҳокама қилган масалалардан бири, шубҳасиз, «Қасаба уюшмалари тўғрисида»ги қонун лойиҳаси бўлди.

ДЕПУТАТЛАР

«КАСАБА УЮШМАЛАРИ ТЎҒРИСИДА»ГИ ҚОНУННИ ҚАНДАЙ ҚАБУЛ ҚИЛДИ?

Қайд этилганидек, қасаба уюшмалари мамлакатимиздаги энг йирик жамоат ташкилотларидан бири ҳисобланади. 14 та соҳавий қасаба уюшмалари, 32,4 мингдан ортиқ бошланғич ташкилотлар ўз сафида 5,1 миллион нафардан зиёд ишчи-ҳодимларни бирлаштирган. 1992 йил 2 июлда қабул қилинган «Қасаба уюшмалари, уларнинг ҳуқуқлари ва фаолиятининг кафолатлари тўғрисида»ги қонун давр нуқтаи назаридан ўзининг тарихий вазифасини бажариб бўлган ҳамда замонавий меҳнат муносабатлари тизимида ишчиларнинг ҳуқуқ ва

манфаатларини тўлақонли ҳимоя қилишнинг ҳуқуқий асосларига эга эмас эди.

Шу муносабат билан «Қасаба уюшмалари тўғрисида»ги қонун лойиҳаси ишлаб чиқилиб, парламент Қонунчилик палатасига киритилди.

Лойиҳа қонун ташаббуси ҳуқуқи асосида айнан Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари томонидан киритилиши – парламент аъзоларининг ишчи-ҳодимларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш масалаларига бефарқ эмаслигидан ҳам далолатдир.

2>

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ИДОРАЛАРИ ХОДИМЛАРИ КУНИ МУНОСАБАТИ БИЛАН БИР ГУРУХ ХОДИМЛАРНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Мамлакатимизда жамоат ҳавфсизлигини таъминлаш, тинчлик ва барқарорликни мустақамлаш, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси самарадорлигини ошириш, жиноятчиликка қарши курашиш тизимини такомиллаштириш борасидаги кўп йиллик фидокорона меҳнати, хизмат бурчини бажаришда кўрсатган мардлик ва жасорати, шунингдек, ёш авлодни она Ватанга муҳаббат ва садоқат руҳида тарбиялаш ишларига қўшган муносиб ҳиссаси учун қуйидагилар мукофотлансин:

«МЕҲНАТ ШУҲРАТИ» ОРДЕНИ БИЛАН

Каримов Мураджан Кабилович – Тошкент шаҳар Ички ишлар бош бошқармаси бошлиғининг маслаҳатчиси

II ДАРАЖАЛИ «ШОН-ШАРАФ» ОРДЕНИ БИЛАН

Биченов Олег Ревазович – Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Транспортда ҳавфсизликни таъминлаш бош бошқармаси бошлиғининг ўринбосари

«ДЎСТЛИК» ОРДЕНИ БИЛАН

Белова Марина Евгеньевна – Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Жазони ижро этиш бош бошқар-

маси бош юрисконсулти Мусаев Баҳадир Еркимбаевич – Қорақалпоғистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги патруль-пост хизмати батальони командири

«МАРДЛИК» ОРДЕНИ БИЛАН

Қадирбердиев Абдумуталиб Уралович (марҳум) – Сирдарё вилояти Янгийер шаҳар ички ишлар бўлими ходими Раҳманов Шавкат Наврузович – Самарқанд вилояти Ички ишлар бошқармаси бошлиғи

«ЖАСОРАТ» МЕДАЛИ БИЛАН

Пайзабеков Рамиль Раҳимбаевич – Тошкент вилояти Ички ишлар бош бошқармаси патруль-пост хизмати отряди сафдор ходими

Ускембаев Медет Мухтарович – Тошкент вилояти Ички ишлар бош бошқармаси патруль-пост хизмати отряди сафдор ходими

Ҳоджаназаров Сардор Мамашукурович – Сирдарё вилояти Ички ишлар бошқармаси патруль-пост хизмати ва жамоат тартибини сақлаш бошқармаси инженери

«СОДИҚ ХИЗМАТЛАРИ УЧУН» МЕДАЛИ БИЛАН

Бакиров Эркин Бўронович – Жиззах вилояти Ғаллаорол тумани ички ишлар

бўлими профилактика катта инспектори Гафуров Жаҳангир Абдурахимович – Фарғона вилояти Ички ишлар бошқармаси ходими

Ишмухамедов Сағдулла Нигматжонович – Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Марказий госпитали етакчи нейрохирурги

Муллажанов Абдимажид Файзулаевич – Тошкент шаҳар Олмазор тумани бўйича ички ишлар органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бошқармаси хотин-қизлар масалалари бўйича профилактика катта инспектори

Нажимов Бокибилло Холматжонович – Андижон вилояти Шаҳрихон тумани ички ишлар бўлими бошлиғининг ўринбосари

Эшимова Ўралтош Жумаевна – Сурхондарё вилояти Шеробод тумани ички ишлар бўлими хотин-қизлар масалалари бўйича профилактика катта инспектори

«ШУҲРАТ» МЕДАЛИ БИЛАН

Бобоев Тўлқин Мухторович – Бухоро вилояти Жондор тумани ички ишлар бўлими профилактика катта инспектори

Дусмуродов Шуҳрат Хайдарович – Қашқадарё вилояти Ички ишлар

бошқармаси патруль-пост хизмати батальони бўлинмаси командири

Қудайбергенов Муратбек Жиенбекович – Қорақалпоғистон Республикаси Қораўзақ тумани ички ишлар бўлими профилактика катта инспектори

Латипов Мансурбек Махмудович – Хоразм вилояти Ички ишлар бошқармаси йўл-патруль хизмати инспектори

Мустафақулов Шерзод Шавкатович – Жиззах вилояти Бахмал тумани ички ишлар бўлими терроризм ва экстремизмга қарши курашиш гуруҳи катта тезкор вакили

Сатторов Шеркузи Султонович – Сурхондарё вилояти Ички ишлар бошқармаси жиноят қидирув бошқармаси бошлиғи

Сотиболдиев Насимжон Гулматович – Наманган вилояти Норин тумани ички ишлар бўлими хузуридаги тергов бўлинмаси бошлиғи

Хайдаров Даврон Бахтиярович – Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Кадрлар бош бошқармаси бўлим бошлиғи

Ҳоджабаева Наргиза Исаковна – Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги хузуридаги Тергов департаменти катта терговчиси

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри, 2019 йил 24 октябрь

ОСОЙИШТАЛИК ПОСБОНЛАРИ ШАРАФЛАНДИ

Юртимизда 25 октябрь – Ўзбекистон Республикаси ички ишлар идоралари ходимлари куни нишонланди.

Ўзбекистон жиноятчилик кўрсаткичига кўра дунё бўйича ҳар юз минг аҳоли сонига нисбатан жиноятлар сони энг кам бўлган давлатлар ўнталлигидан ўрин эгаллаган.

Жорий йилнинг ўтган даврида республика ҳудудида содир этилган жиноятлар 25,9 фоиз, шу жумладан, жиноят-қидирув йўналиши бўйича 33,5 фоиз камайишига эришилди. Юртимизда мавжуд маҳалларнинг 4 минг 518 тасида, яъни қарийб 50 фоизда умуман жиноят содир этилмади.

Бу осойишталикни таъминлаш, халқ манфаатларига хизмат қилишнинг ўзининг бурчи деб биладилар ички ишлар идоралари ходимларининг фидокорона меҳнати натижасидир.

Тошкент шаҳрида Ички ишлар идоралари ходимлари куни муносабати билан ташкил этилган тантанали тадбирда бу алоҳида қайд этилди.

Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазири, генерал-лейтенант Пўлат Бобожонов байрам муно-

сабати билан тизим ходимларини, фахрийларини қутлаш билан бирга соҳада амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар ҳақида гапирди.

Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, ички ишлар органлари шундай ишлаши керакки, токи халқ давлатдан рози бўлсин. Айнан шу талаб тизимда амалга оширилган ва давом этиб келаётган ислохотларнинг асоси ва мақсади бўлиб хизмат қилмоқда.

2>

Долзарб мавзу



Ибрагим ХИСАНОВ оғлан сураган.

Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерациясида Тошкент шаҳрида куз-қиш мавсумига тайёргарлик кўриш, кўп қаватли уйлар, ижтимоий соҳа ва бошқа объектларни ўрганиш, аҳолини ташвишга солаётган муаммоларни аниқлаш ва ҳал этиш бўйича Республика ички гуруҳининг йиғилиши бўлиб ўтди.

Шикоятга ўрин қолмасин

Йиғилишда Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси раиси Қудратилла Рафиқов олиб борди. Унда тармоқ қасаба уюшмалари Республика кенгашлари раислари, раис ўринбосарлари, қасаба уюшмаси фаоллари ҳамда мутасадди ташкилотлар вакиллари иштирок этди.

Маълумки, Шавкат Мирзиёевнинг топшириғига биноан Республика ички гуруҳи томонидан Тошкент

шаҳар туманларида куз-қиш мавсумига тайёргарлик ҳолати ўрганилиб, тегишли вазифалари белгилаб берилган эди. Шу мақсадда йиғилишда мавсум давомида амалга оширилаётган ишлар, шаҳарда иссиқлик билан таъминланиш ҳолатини ўрганиш ва камчиликларни бартараф этиш юзасидан бажарилиши лозим бўлган вазифалар белгилаб олинди.

2>

КУН НАФАСИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти «Қишлоқ ҳўжалигида сув тежовчи технологияларни жорий этишни рағбатлантириш механизмларини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорни имзолади.

Нукус шаҳрида БМТ шафелигида «Оролбўйи – экологик инновациялар ва технологиялар зонаси» мавзусида халқаро анжуман бўлиб ўтди.

Халқаро анжуманда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Очилбой Раматов Президентимизнинг конференция иштирокчиларига йўлаган муносабатини ўқиб эшиттирди.

«Оилавий тадбиркорликни ривожлантириш давлат дастурлари доирасида амалга оширилаётган лойиҳаларни кредитлаш тартибини такомиллаштиришнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида»ги Президент қарори қабул қилинди.

«Хуқуқий ахборот» канали

Хукумат қарори билан 2019-2021 йилларда Интернет жаҳон ахборот тармоғида миллий контентни янада ривожлантириш бўйича комплекс дастур тасдиқланди.

«Хуқуқий ахборот» канали

«Тошкент вилояти Охангарон туманида чорва

чиликни ривожлантириш тўғрисидаги Хукумат қарори қабул қилинди.

Президент Шавкат Мирзиёев Олмалик кон-металлургия комбинати ташкил топганининг 70 йиллик санаси муносабати билан табрик йўлади.

Президент матбуот хизмати

Нурафшон шаҳрида «Invest in Tashkent Region» халқаро инвестиция форуми бошланди.

Корея Халқ Демократик Республикасида ўтказилган оғир атлетика бўйича ўсимлар ва ёшлар ўртасида Осиё чемпионатида ҳамюртимиз Кумушхон Файзуллаева 3 йўналишда олтин медални қўлга киритди ва иккита рекорд ўрнатди.

МОҚ матбуот хизмати

Ўзбекистон жамоаси Абу-Даби шаҳрида бўлиб ўтган халқаро молиявий технологиялар соҳасидаги лойиҳаларни тўловчи «Fin Tech Abu Dhabi» танловида ғолиб бўлди.

IT Park матбуот хизмати

Педагогларга имтиёзли «Уқитувчи» ойлик йўл чипталари жорий этилади.

Мудофаа вазирлиги «Кулдуқ» полигонидан илк бор «FD-2000» ракетасини синовдан ўтказди.

Мудофаа вазирлиги матбуот хизмати

БАНКЛАРНИНГ НВЕСТИЦИЯВИЙ ФАОЛЛИГИНИ ОШИРИШ БЎЙИЧА ВАЗИФАЛАР БЕЛГИЛАНДИ

41 Йиғилишда Молия вазирлиги ва Марказий банкка Жаҳон банки билан биргаликда банк секторини узоқ мuddатли ривожлантириш стратегиясини ишлаб чиқишни яқунлаш вазифаси кўйилди.

Давлатимиз раҳбари тижорат банкларининг ҳозирги ҳолатини таҳлил қилиб, долзарб чора-тадбирлар ҳақида тўхталиб ўтди.

Бугунги кунда банкларга қўйилган депозитларнинг 70 фоизи қисқа мuddатли бўлгани ҳолда, кредитларнинг 90 фоизи узоқ мuddатга берилган. Айрим банкларда жорий харажатлар даромадга нисбатан 60-70 фоизни ташкил этади. Шу боис банкларни молиявий соғломлаштириш ва уларнинг барқарорлигини таъминлаш масалалари ҳам муҳокама қилинди.

Банкларнинг миқозга йўналтирилган, аҳолининг кенг қатламига мўлжалланган хизматларини кўпайтириш ҳамда кредитлаш тартибини соддалаштириш бўйича топшириқлар берилди. Онлайн ва мобил алоқа орқали хизмат кўрсатиш, чет элларда кенг тарқалган «скоринг» ва автоматлаштирилган модулли кредит ажратиш тизимини кенгайтириш зарурлиги қайд этилди.

ОСОЙИШТАЛИК ПОСБОНЛАРИ ШАРАФЛАНДИ

41 Халқ манфаатларига хизмат қилиш, чинакам халқчил, халқпарвар бўлиш ички ишлар органлари фаолиятининг бош мезонига айланди.

Ички ишлар органларини аҳолига янада яқинлаштириш, уларга ўз вақтида ва сифатли хизмат кўрсатиш, фуқароларни ташвишга солаётган муаммо ва масалаларни жойида ҳал этиш, жиноятчиликка қарши курашиш ва ҳуқуқбузарликлар профилактикаси барча ҳудудларда тизимли ва манзилли амалга оширилишини таъминлаш мақсадида олисда жойлашган тизими орқали аҳоли гавжум бўлган жойларда вазиятни назорат қилиш тизими яратилди. Ушбу лойиҳалар ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, жиноятларни фожиз қил, куч ва воситаларни тақсимлаш ҳамда вазият барқарорлигини таъминлашда юқори самара берапти.

Шунингдек, уюшган жиноятчилик, терроризм ва наркотрафикка қарши курашни кучайтириш, тезкор-қидирув, тергов, профилактика,

йўл ҳаракати ва пост-патруль хизматларини мустаҳкамлаш борасида ҳам салмоқли ишлар амалга оширилётган.

Тадбирда соҳа ходимларининг касб байрами муносабати билан Президентимиз фармонида мувофиқ тақдирланган 25 нафар ички ишлар идоралари ходимига давлат мукофотлари тантанали равишда топширилди.

Ички ишлар вазири давлатимиз раҳбарининг ички ишлар органларига кўрсатаётган доимий эътибори ва ғамхўрлиги учун барча шахсий таркиб номидан миннатдорлик билдирди.

Бундан ташқари, 26 нафар ходимга «полковник» махсус унвони берилди, шунингдек, 400 нафардан зиёд ходим турли идоравий мукофотлар билан рағбатлантирилди.

Шунингдек, халқро спорт майдонларида юртимиз шарафини муносиб ҳимоя қилиб келаётган ички ишлар органлари ходимлари ҳам рағбатлантирилди.

Соҳа ходимлари, фахрийлари, давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари қатнашган тантанали тадбирга санъаткорларнинг концерт дастури фойз бағишлади.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчисининг ўринбосари Улуғбек Тошхўжаев иштирок этди.

Норгул АБДУРАИМОВА, ЎЗА мухбири



Медиатур

Яқинда бир гуруҳ журналистлар Андижондаги икки йирик корхона – «Nil Granit» ҳамда «Khanter Group» масъулияти чекланган жамиятларидаги ишлаб чиқариш жараёни, қўлга киритилаётган натижалар билан танишдилар. Хўш, уларнинг айна шу корхоналарга келиб, таъсисчиларни саволга кўмиб ташлаганининг сабаби нимада?

Миллий банк: «Хар бир лойиҳа иқтисодиётга тиргак бўлиб, фаровонликка ҳисса қўшиши керак!»



41 Гап шундаки, Ташки иқтисодий фаолият «Миллий банки» Андижонга медиатур ташкил қилди. Асосий мuddатда банкнинг вилоят филиали фаолияти, кун сайин ўсиб бораётган ижобий кўрсаткичларни кенг оммага таништиришдан иборат эди. Рост-да, ишлашни қўйиллатган одам қайсидир маънода мақтанишни ҳам, замонавий тажрибаларни ўртоқлашни ҳам билиши керак. Мазкур корхоналар эса «Миллий банк»нинг миқозлари – молия муассасаси тиргаги билан оёққа туриб, тадбиркорларнинг ҳавасини келтирмоқда.

Бугун юртимизда «Nil Granit» МЧЖнинг «SAMO» бренди остидаги трикотаж маҳсулотларига талаб ортиб борапти. Кийим-кечаклари кўшни мамлакатлар, Россия, Украина, Польша, Молдова, Руминия, ҳатто олис Италияга қадар етиб бораётганининг ўзиёқ уларнинг сифати, шакл-шамойили нақадар эътиборга молик эканидан далolat. Айни кунларда маҳсулотларни Туркия, АҚШ, Хитой, Марказий Европа ҳамда араб давлатларига ҳам экспорт қилиш юзасидан аниқ режаларнинг борлиги эса ишбилармонликка берилётган имкониятдан ақл-заковат билан фойдаланилаётгани белгиси.

Мазкур лойиҳани қўллаб-қувватлаш учун «Миллий банк» 6,1 миллион АҚШ доллари миқдорига кредит ажратган. Ишлаб чиқариш цехларида тўлиқ Европа технологиялари жорий қилинган. Бир йилда 4 минг 500 тонна матонин бўйша ҳамда гул босиш, йиллик экспорт ҳажминин 7 миллион АҚШ долларига етказишнинг ўзи бўлмайди. Соҳасининг сир-асрорларини пухта эгаллаган 40 нафар малакали мутахассис бу юмушнинг уddасидан чиқяпти. Туркия ҳамда Беларуслик дизайнерлар Ўзбекистондаги касбдошлари билан ҳам-фикр бўлиб, кийим-кечакларнинг ташқи кўриниши хусусида доимий изланишда.

Пахтачиликда ҳар йили гектар ҳисобига 40 центнердан ошириб ҳосил оладиган фермерларни «Олтин фермер» деб алқашади. Ҳатто, 40 центнерчи фермерларни қатор имтиёзлар билан сийлаш амалиёти ҳам йўлга қўйилган. 40-45 центнердан пахта етиштирадиган деҳқонга шунча иззат-икром

кўрсатилса, ҳар гектар ердан нақ 70 центнердан ҳосил олиш мумкинлигини амалда исботлаган тадбиркорни қандай рағбатлантириш керак?

Кўронтена туманидаги «Khanter Group» масъулияти чекланган жамиятида жорий мавсумда ана шундай кўрсаткич қайд этилди. 2016 йилда ташкил этилган корхона таъсисчиларнинг ўз маблаглари ҳамда «Миллий банк»нинг 37 миллион евро миқдорига кредити эвазига молиялаштирилган. Лойиҳанинг якуний босқичи ишга тушиши билан иш ўринлари сони 1 минг 500 тага етказилди.

Пахтачиликка замонавий агротехник тажрибаларни қўллаш орқали катта натижаларга эришиш мумкинлигини тажрибада синаб кўрган класстер мажмуасининг 2019-2020 йилларга мўлжалланган тўрт босқичли ҳаракат режаси бор. Яъни ўзи етиштирган пахта толасидан ип калава ишлаб чиқариш, сўнгга трикотаж мато ва газлама тайёрлаш, уларни бўйаш, Марказий Европа ҳамда араб давлатларига ҳам экспорт қилиш юзасидан аниқ режаларнинг борлиги эса ишбилармонликка берилётган имкониятдан ақл-заковат билан фойдаланилаётгани белгиси.

Сирасини айтганда, банк ёрдами билан иқтисодий куч-қувватга тўлиқ бораётган субъектлар талайгина. Жорий йилнинг тўққиз ойлик ақунларига кўра, банкнинг Андижон вилояти бўлими миқозлари сони 101 минг 307 тага етди. Уларнинг 22 мингтага яқини юридик, 79 минг 359 нафари эса жисмоний шахслар. Йил бошидан буён ажратилган кредитлар суммаси 262 930,4 миллион сўмга тенг бўлганининг ўзиёқ фаолият кўлами нечоғли кенгайиб бораётганининг яққол далилидир.

Медиатур давомида журналистлар банкнинг хизмат турлари, ходимлар ва миқозларга яратилган шарт-шароитлар хусусида батафсил маълумотга эга бўлишди. Бу молиявий муассаса илгари сураётган – «Хар бир лойиҳа иқтисодиётга тиргак бўлиб, фаровонликка ҳисса қўшиши керак!» тамойилининг амалдаги натижасидир.

Ўз мухбири

ДЕПУТАТЛАР «КАСАБА УЮШМАЛАРИ ТЎҒРИСИДА»ГИ ҚОНУННИ ҚАНДАЙ ҚАБУЛ ҚИЛДИ?

41 Мажлисида таъкидланганидек, мазкур қонун лойиҳаси биринчи ўқишда қабул қилинганидан сўнг парламент куйи палатасининг Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари кўмитаси ташаббуси билан «Қонунларнинг ягона манбаи ва муаллифи халқ бўлиши лозим», деган тамойилни рўйбга чиқариш, қонун ижодкорлиги жараёнларига фуқароларни кенг жалб қилиш мақсадида жамоатчилик ўртасида кўплаб муҳокамалар ташкил этилди.

Жамоатчилик муҳокамалари уч йўналишда ташкил этилди. Биринчи йўналиш – интернет тармоғи орқали шу йилнинг июль-август ойларида ўтказилиб, лойиҳа матни Қонунчилик палатасининг «parliament.gov.uz» веб-сайтига жойлаштирилди. Шу асосда юрдошларимизнинг 300 га яқин таклифи электрон тарзда қабул қилинди. Иккинчи йўналиш – Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг «Ishonch» ва «Ishonch-Доверие» газеталарида қонун лойиҳасининг матни чоп этилиб, касаба уюшмалари фаоллари иштирокида республикамизнинг барча ҳудудларида 30 тадан ортиқ жамоатчилик муҳокамалари ўтказилди. Уларда 500 тадан зиёд таклиф билдирилди. Учинчи йўналиш – соҳа экспертлари, мутахассислар, олимлар ва илмий тадқиқотчилар иштирокида 10 га яқин тадбир ташкил қилинди.

Иккинчи ўқишга тайёрлаш жараёнида қонун лойиҳаси ишчи гуруҳ йиғилишлари, парламент куйи палатасидаги кўмиталар ҳамда сиёсий партиялар фракциялари йиғилишларида атрофлича муҳокама этилди. Норматив-ҳуқуқий атамалар комиссияси томонидан ўзбек адабий тилининг қоидалари ва қонун лойиҳаларига қўйилган талабларга риоя этилиши юзасидан кўриб чиқилиб, обдан пишитилди.

Ана шундай кенг қўламда ўтказилган муҳокамалар чоғида билдирилган таклифлар синчиқлаб ўрганилиб, норматив-ҳуқуқий ҳужжат мазмунига қўйилган талаблар асосида қонун лойиҳасига 150 дан ортиқ тегишли ўзгариш ва тузатишлар киритилди, матндаги 30 дан зиёд ҳаволаки нормалар чиқариб ташланди.

Таъкидлаш жоизки, ушбу қонун лойиҳаси қатор янгиликларни ўзида акс эттиргани билан аҳамиятлидир. Хусусан, касаба уюшмаларини ташкил этиш, қайта ташкил қилиш ва уларнинг фаолиятини тугатиш, давлат рўйхатидан ўтказиш тартиби, устав ва рамзаларга қўйилган талаблар меъёрий ҳужжатлар билан тартибга солиб келинган бўлса, эндиликда мазкур тартиб-тамоийлар қонун ҳужжати асосида амалга оширилади.

Бундан ташқари, янги қонун билан касаба уюшмаларининг ходимларини ижтимоий ҳимоя қилиш, бандликка кўмаклашиш, меҳнат низоларини кўриб чиқишда жамоатчилик назоратини амалга ошириш, ходимларнинг манфаатларини муҳофаза қилиш, уларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқларини таъминлаш масалаларини ҳал этишда қатнашиш, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқишда иштирок этиш бўйича ҳуқуқлари кенгайтирилмоқда.

Алоҳида қайд этиш лозимки, мазкур қонун касаба уюшмалари фаолиятининг принциплари, касаба уюшмаларини ташкил этиш, қайта ташкил этиш ва уларнинг фаолиятини тугатиш тартиби, ҳуқуқларига риоя этилишининг кафолатлари, касаба уюшмалари фаолиятининг иқтисодий асослари, жамоатчилик назоратини амалга ошириш ва меҳнат соҳасидаги ижтимоий шериклик тўғрисидаги янги боблар билан бойитилган.

Қизгин баҳс-мунозаралар асосида кечган муҳокамалардан сўнг депутатлар мазкур қонун лойиҳасини маъқуллади.

Мажлисида «Касаба уюшмалари тўғрисида»ги қонунни Сенатга юбориш ҳақида куйи палатанинг қарори қабул қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси сайтдан олинди
Манба: «parliament.gov.uz»



Шикоятга ўрин қолмасин

41 Йиғилишда салоҳияти ва улардаги объектларнинг сони ҳамда ишларнинг тизимли бажарилишини таъминлаш мақсадида туманлар икки гуруҳга ажратилди.

Биринчи гуруҳга шаҳарнинг Бектемир, Миробод, Сергели, Юнусобод, Яққасарой ва Яшнобод туманлари, иккинчи гуруҳга Мирзо Улуғбек, Олмазор, Учтепа, Чилонзор ва Шайхонтоҳур туманлари киритилиб, ҳар икки ишчи гуруҳ таркиби шакллантирилди. Шунингдек, ишчи гуруҳ аъзолари ва ишчи гуруҳ раҳбарлари эътибор қаратиши керак бўлган жиҳатлар ҳам айтиб ўтилди. Жумладан, гуруҳ аъзолари тегишли сектор штабидаги вакиллар билан биргаликда ҳудуддаги иқтисодиёт тармоқлари, кўп қаватли турар жой фонди ва ижтимоий соҳа объектларининг қиш давридаги барқарорлик ҳолатини жойида ўрганиб, аниқланган муаммоларни мутасадди ташкилотлар томонидан тезкор ҳал этилиши чораларини кўради ва бажарилган ишлар тўғрисида тегишли тартибда маълумот тайёрлаб, гуруҳ раҳбарига топшириб боради. Ишчи гуруҳ раҳбарлари эса жойларда ишни ташкил этиш, гуруҳ аъзолари тақдим этган маълумотларни таҳлил этиш, шаҳар миқёсидаги муаммолари масалаларни шаҳар ҳокимияти ва мутасадди ташкилотлар ҳамкорлигида ҳал этилишини назорат қилади.

Ўрганишлар давомида ҳудудда куз-қиш мавсумига тайёргарлик кўриш ва беталофат ўтказиш юзасидан туман штаби ва тегишли гуруҳлар фаолиятига эътибор қаратиш, белгиланган тартибда авария

–таъмирлаш гуруҳлари ташкил этилгани, мутахассислар, автомашина, механизмлар, ёнилғи-мойлаш маҳсулотлари, асбоб-анжомлар ва тегишли моддий-техника билан таъминлангани, аҳоли мурожаатлари ва бююртмаларини қабул қилиш учун зарур шароитлар яратилгани, кўп қаватли уйини мунокамал ва жорий таъмирлаш ишларининг ҳолати, том қисмининг ҳолати, уйларнинг олд қисмидаги йўлақлар, кириш йўлақларининг ҳолати, кириш йўлақлари, ертўла қисмининг талаб даражасида экани, электр таъмирлаш ишлари, ирригация тармоқлари, тарновлар, иссиқлик қувурлари ҳолатини текшириш, иссиқлик тармоқларини ювиш ва баланс босимда текшириш масаласи, лифтлар ҳолати, иссиқлик энергияси тизими, марказий ва маҳаллий қозонхоналар аҳоли, мазут ва техник туз ғамлангани, иссиқлик тизими қувурларининг яроқли ва яроқсизлиги, марказий ва маҳаллий қозонхоналар, қозонлар, иссиқлик таъминоти тармоқларини мукамал ва жорий таъмирлаш, иссиқлик тармоқларини изоляция қилиш ҳолатини кўздан кечириш зарурлиги таъкидланди.

Бундан ташқари, ишчи гуруҳлар зиммасига хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари ва профессионал бошқарув компаниялари фаолияти, мактабгача таълим муассасалари, умумтаълим мактаблари, касб-хунар коллежлари ва академик лицейлар, олий таълим муассасалари, тиббиёт муассасалари ҳамда бошқа ижтимоий соҳа объектларининг куз-қиш мавсумига тайёрлигини текшириш, муаммолари ҳолатларни мутасадди ташкилотлар ҳам-

Аъзам АБУЛҲАЙЗОВ, «ISHONCH»

Мажбурий меҳнатга йўл йўқ

Федерациясининг юридик клиникаси оид мувожаатларни ўргатади фаолият олиб борувчи ҳуқуқ ҳирирокида учрашув бўлиб ўтди.

Учрашувда баъзи ҳуқуқ ҳимоячилари пахтага жалб қилинган ҳашарчиларнинг яшаш ва овқатланиш шароитлари ҳақида ўз фикр-мулоҳазалари ва таклифлари баён этишди.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, айна вақтда мазкур масала юзасидан Касаба уюшмалари Федерацияси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигига бир неча мартаба мувожаат йўлаган. Энг муҳим жиҳат эса, ушбу ҳолат касабани уюшма бирлашмаларининг вакиллари томонидан назоратга олинганлигидир.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотлардан кўзланган мақсад ижтимоий-иқтисодий ҳолатни янада юксалтириш, хорижий инвесторларни жалб қилиш эвазига янги иш ўринларини яратиш, технология жараёнларини ишлаб чиқаришга жалб этиш ва одамларга муносиб турмуш шароитларини яратишга қаратилган бўлиб, мустақил ҳуқуқ ҳимоячилари билан бир қаторда касабани уюшмалари ҳам мазкур жараёнларда фаол иштирок этаётгани алоҳида эътиборга эришди.

Шу билан бирга, масалага дахлдор ҳолатларни ҳал қилиш бўлиб, мустақил ҳуқуқ ҳимоячилари билан бир қаторда касабани уюшмалари ҳам мазкур жараёнларда фаол иштирок этаётгани алоҳида эътиборга эришди.

Бир гуруҳ тармоқ касабани уюшмаси фаолларини «UzAuto Motors» АЖ Хоразм филиали фаолияти билан таништириш мақсадида корхонада семинар ташкил қилинди.

Раъно МАҲҚАМОВА, «ISHONCH»

Хоразм вилояти

Бошланғич касабани уюшма ташкилотларининг корхона ва ташкилотларда туганган ўрни ва мавқеини янада ошириш, ижтимоий аҳамиятга эга бўлган ташаббусларни қўллаб-қувватлаш, самарали фаолият учун зарур меъёрий-ҳуқуқий асослар ҳамда барча шарт-шароитларни яратиш мақсадида соҳада тизимли ишлар амалга ошириб келинмоқда.

Тажриба ва фикр алмашилди



Хусусан, Ўзбекистон касабани уюшмалари Федерацияси Кенгаши ташаббуси билан ҳар икки йилда бошланғич касабани уюшма ташкилотлари ўртасида «Энг намунали бошланғич ташкилот» республика кўриқ-танловининг ўтказилиши бу соҳада қўйилган муҳим қадамлардан биридир. Бундан ташқари, ҳар йили бошланғич ташкилотлар раисларининг ўзаро тажриба алмашишлари учун намунали бошланғич ташкилотларга таширфлар ташкил этилмоқда. Ана шундай тадбирлардан бири Хоразмда бўлиб ўтди.

Бир гуруҳ тармоқ касабани уюшмаси фаолларини «UzAuto Motors» АЖ Хоразм филиали фаолияти билан таништириш мақсадида корхонада семинар ташкил қилинди.

Семинарда корхона директори Улуғбек Маткаримов корхона фаолияти ҳақида атрафлича сўз юритди.

Шундан сўнг иштирокчилар нафақат аънавий техника хавфсизлиги бўйича видеоролик ҳамда корхона касабани уюшма фаолияти билан, балки корхонанинг ишлаб чиқариш цехларини билан ҳам танишишди.

